

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Фарғона вилоят ҳокимлиги

Ишлар бошқарувчisi

А.Сарбаев



Фарғона вилоят ҳокимлиги биноси хизмат хоналари, йўлаклар ва
биноларни ёритиш учун 50.000 кВт. энергия ишлаб чиқарувчи қуёш
панелларини ўрнатиш учун

ТЕХНИК ТОПШИРИК

Фарғона шахри – 2022

МУНДАРИЖА:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўрикнома
- II. Техник кисм.
- III. Нархлар кисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА.

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан рўйхатдан ўтказилган тартибга асосан ишлаб чиқилди.

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ.

- 1.1. Фаргона вилоят хокимлиги биноси хизмат хоналари, йўлаклар ва биноларни ёритиш учу қуёш панеллари сотиб олиш (ўрнатиш ва монтаж ишлари билан)
- 1.2. Техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмида илова қилинган.
- 1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 кун.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1. Фарғона вилоят хокимлиги (бундан кейин – “Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси хисобланади. “Буюртмачи” манзили Фарғона вилояти Фарғона шахар А.Навоий кўчаси 15-үй,
- 2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.
- 2.3. Танлов Фарғона вилояти хокимлиги биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан Қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ва хизматлар кўрсатишига ихтисослашган, барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга кўйидаги малаканий талаблар кўйилади:

шартномалар тузиш юзасидан фукаролик-муомала хукукий лаёқат ва ваколатлар; танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маҳлумотлар; танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми;

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаширилиши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

Қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиши, тугатиш ёки банкротлик арафасида турғанлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бирбирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха ҳужжатлари, хусусан, лойихани график қисми (чиzmалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ.

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириш лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кўра ўзбек тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов ҳужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, "Буюртмачи" томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўrsatилиши керак;
- Нархлар қисми, танлов шартларида бөлгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўrsatкичлар кўrsatилган бўлиши керак.

4.4. Қўйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:

- Талабда кўrsatилган ҳужжатлар, Техник таклиф, Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва мухрланган ҳолда;

4.5. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбуриятга эгадир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи дёб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШКА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш түғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш мұддати тугайдын санадан камида уч күн олдин қарор қабул қилишга ҳақли, товарни (ишини, хизматни) ўзгартиришга йүл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдын мұддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилген санадан эътиборан камида ун кунга үзайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш түғрисидаги зълонга ўзгартиришлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачига сўров юборишига ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш мұддати тугайдын санадан камида икки күн олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш түғрисида сўров юборишига ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

№1 илова

1. Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза ҳамда хизмат кўрсатувчи банкдан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарзи мавжуд эмаслиги түғрисида маълумот.
2. Танловда қурилиш майдончасини кўздан кечирганлиги түғрисида маълумотнома. (қуёш панел ўрнатиладиган жойни кўздан кечирганлигини хақида буюртмачи вакили томонидан имзоланган маълумот) Мазкур соҳада бажарилган ишлар бўйича камида 1 йиллик иш тажрибаси түғрисида маълумот.
3. Мазкур соҳада бажарилган ишлар бўйича камида 3 йиллик иш тажрибаси түғрисида.
4. Танлов иштирокчиларининг молиявий аҳволи (охирги 1 йиллик баланс, молиявий натижа)
5. Давлат рўйхатидан ўтганлиги түғрисида гувоҳнома, корхона низоми ҳамда ишчи-ходимлар түғрисида маълумот.

№2 илова

№	Бахолаш мезонлари	Энг юқори балл	% хисобида
1	Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза ҳамда хизмат кўрсатувчи банқдан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот (pdf шаклда)	20	
2	Танловда қурилиш майдончасини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома. (қуёш панел ўрнатиладиган жойни кўздан кечирганлигини хақида буюртмачи вакили томонидан имзоланган маълумот) (pdf шаклда)	20	
3	Мазкур соҳада бажарилган ишлар бўйича камидан 3 йиллик иш тажрибаси тўғрисида маълумот. (pdf шаклда)	10	80%
4	Танлов иштирокчиларининг молиявий аҳволи (охирги 1 йиллик баланс, молиявий натижа) (pdf шаклда)	10	
5	Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома, корхона низоми ҳамда ишчинодимлар тўғрисида маълумот (pdf шаклда)	20	
6	Ишларни бажариш бўйича берилган нархлар тақлифи (система томонидан)	20	20 %

№ 3 илова

Фаргона вилоят хокимлиги биноси хизмат хоналари, йўлаклар ва биноларни ёритиш учун 50.000 кВт. энергия ишлаб чиқарувчи қуёш панелларини ўрнатиш бўйича техник хизмат кўрсатиш шартлари.

№	Асосий маълумотлар	Асосий маълумотлар ва талаблар
1	Буюртмачи хақида маълумотлар	Номи: Фаргона вилоят хокимлиги Манзил: Фаргона вилояти Фаргона шахар А.Навоий кўчаси 15-ий. Телефон: +998993457481
2	Асос	Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигига 2022 йил 10 июнь куни ўтказилган видеоселектор инифишишининг 48-сонли баёнига асосан давлат бюджети ҳисобидан молиялаштиридиган обьектларда қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий қилиш мақсадида вилоят хокимлигини муқобил энергия манбасига улаш лойиҳасини амалга ошириш
3	Товар (иш, хизмат)лар хақида тўлиқ маълумотлар	Фаргона вилоят хокимлиги биноси хизмат хоналари, йўлаклар ва биноларни ёритиш учун 50.000 кВт. энергия ишлаб чиқарувчи қуёш панелларини ўрнатиш

4	Хизматлар рўйхати	Хизмат кўрсатувчига товар (иш, хизмат)лар ҳақида маълумот бериш. Шартнома шартлари ва мижознинг талабига мувофиқ ишлаш ва кафолат муддати бериш. Буюртмачига шартнома мажбуриятлари ҳақида маълумот бериш.
5	Молиялаштириш манбаси	Маҳаллий бюджет
6	Хизмат кўрсатиш шартлари	Иш, хизматларни тақдим этиш ва уни шартнома бўйича белгиланган муддатдан кечиктирмасдан бажариш, амалдаги техник шартларга мувофиқ хизматларни самарали ташкил этиш.
7	Танлов иштирокчиларига қўйиладиган асосий талаблар	<ul style="list-style-type: none"> - Ўзбекистон Республикасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган бўлиши; - Шартнома тузиш учун ҳуқуқий ваколат; - Камида 5 (беш) шартнома муваффақиятли бажарилиши учун шартноманинг мавжудлиги; - Иш ва хизматларни бажариш бўйича лицензия (руҳсатнома)нинг мавжудлиги
8	Таклифни кафолати таъминлаш	<ul style="list-style-type: none"> - Танлов иштирокчиси қўйидаги тартиб бўйича “Энг яхши таклифни танлаш” орқали савдога қўйилган эълон суммасининг 3%и миқдорида закалат тўловини амалга ошириш. - Танлов ғолибининг закалат тўлови буюртмачи билан қонуний шартнома тузилгунга қадар буюртмачининг ихтиёрида бўлади. Шундан сўнг, етказиб берувчи шартнома шартларини тўлиқ бажариш орқали закалат тўловини қайтариб олиши мумкин. - Танлов ғолибининг закалат тўлови қўйидаги холларда қайтариб берилмайди: танлов ғолиби аниқланиб, лекин буюртмачи билан тегишли шартнома тузилмаган ёки имзоланмаган холларда, таклиф бериш муддати тугаган вақтдан сўнг танлов ғолиби томонидан ўз таклифини қайтариб олган ҳолларда.
9	Танлов иштирокчиларига қўйидаги ҳолларда танловда иштирок этишига рухсат берилмайди	<ul style="list-style-type: none"> - Барча белгиланган талабларга жавоб бермагандан; - Мижозлар билан илгари тузилган шартномалар бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни тўлиқ бажармагандан; - Қайта ташкил этиш босқичида бўлганда; - Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашда қарздорлик мавжуд бўлганда; - Танловда иштирок этиш учун зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмагандан; - Буюртмачи билан судлашув бўлаётганда; - Инсофиз ижро чилирнинг ягона реестри рўйхатида топилганда; - Етказиб берувчилар ва бюджет ташкилотларидан муддати ўтган қарздорликлари мавжуд бўлганда.
10	Хизматларнинг сифат кафолатлари доирасига қўйиладиган талаблар	<ul style="list-style-type: none"> - Товар (иш, хизмат)ларни ўз вақтида ва сифатли етказиб бериш; - Зарур бўлганда, тегишли малакали мутахассисларни жалб этиш;

		<ul style="list-style-type: none"> - Товар (иш, хизмат)лар етказиб берилгандан сўнг, буюртмачига керакли ҳужжатларни тўлиқ тўпламини тақдим этиш; - Буюртмачи томонидан ошкор қилинган маълумотларни махфийлиги, шунингдек барча материаллар ва тахлилий маълумотлар, режалар, жадвалларни тақдим этишда тузилган ва ёки ишлатилган бошва матнли ва график материалларнинг махфийлигини сир сақлаш; - Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибига солинадиган хизматлар кўрсатиш тартиби ва шартларига риоя қилиш.
11	Буюртмачининг бошланғич баҳоси	<ul style="list-style-type: none"> - 723.000.000 (Етти юз йигирма миллион) сўм ҚҚС билан
12	Лойиҳани молиялаштириш	<ul style="list-style-type: none"> - Шартнома тасдиқланган сўнг 10 иш куни ичida 30 фойз аванс ўтказиб берилади, қолган маблағлар тасдиқланган график асосида бажарилган ишлар далолатномасига асосан ойма-ой тўлаб берилади.
13	Масъул ходим телефон рақами	Бош мутахассис: F.Хурсанов +998972157255
14	Хужжатларни расмийлаштириш ва тақдим этиш тили	Ўзбек тили (кирилча)

III. Нархлар кисми

1	Тўлов шартлари	Олдиндан 30% тўлов
2	Тўлов пул бирлиги	Ўзбек сўмида
3	Таклифнинг амал қилиш муддати	5 (беш) иш куни
4	Товар (иш, хизмат)ларни етказиб бериш муддати	30 (үттиз) иш куни

Танлов иштирокчиси товар (иш, хизмат)лар етказиб бериш шартномасининг ўз версиясини (лойиҳасини) илова қилиш ҳуқуқига эга.

Фаргона вилоят хокимлиги биноси хизмат хоналари, йўлаклар ва биноларни ёритиш учун 50.000 кВт. энергия ишлаб чиқарувчи қўёш панелларини ўрнатиш учун

ДАСТЛАБКИ СМЕТА

№	Номи	Қуввати	Микдори	Суммаси (ККС били)
1	Монокристаллические панели	455 Вт	110	348.222.000
2	Инвертор сетевой (on-grid), трехфазный. + Онлайн мониторинг	50 кВт	1	122.042.000
3	3-фазный счетчик для мониторинга и возможности ограничения выдачи в сеть электроэнергии	250А/50mA	2	4.428.000
4	Металлоконструкция оцинкованная сталь (для скатной крыши 400 кв.м)		1 комп	144.153.000
5	Кабели для постоянного тока, кабель-канал коннектора)		480	22.080.000
6	Строительно-монтажные работы, ввод в эксплуатацию и тестирование			82.075.000
ЖАМИ:				723.000.000